

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИРИСОВ ФАРРУХ ҚОБИЛ ЎҒЛИ

**РЕЗАВОР МЕВАЛАР ЕТИШТИРИШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ирисов Фаррух Қобил ўғли Резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	5
Ирисов Фаррух Қобил ўғли Основные направления развития системы выращивания ягод.....	25
Irisov Farrukh Qobil o'gli The main directions for the development of the berry growing system.....	50
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	54

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ИРИСОВ ФАРРУХ ҚОБИЛ ЎҒЛИ

**РЕЗАВОР МЕВАЛАР ЕТИШТИРИШ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2025.3.PhD/Iqt4907 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юнусов Искандар Орифович,
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2026 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2026 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.ф.д. (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда резаворлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш тенденцияси кузатилиб, уларнинг инсонлар соғлиғи учун фойдалари ва турли хил озиқ-овқат дастурларида кўп қирралилиги туфайли резаворларга бўлган глобал талаб 2040 йилгача 30 фоизгача ортиб бориши кузатилади. ФАО ва Халқаро савдо маркази (ХСМ) мутахассисларининг фикрича, резавор мевалар истеъмол ҳажми пандемиядан кейин кескин ошди¹. Шимолий Америка ва Европада, истеъмол талабнинг ўсиши ишлаб чиқарувчиларни етиштириш майдонларини кенгайтиришга, замонавий деҳқончилик техникасини ўзлаштиришга ва бозор эҳтиёжларини қондириш учун таъминот занжирларини яхшилашга ундади. Шунингдек, резавор мевалар боғдорчилик маҳсулотлари секторида энг тез ўсадиган сегментлар қаторига киради ва бу фермерлар, экспортчилар учун истиқболли йўналиш сифатида қаралмоқда.

Глобал иқлим ўзгаришлари шароитида резавор мевалар ишлаб чиқариш географик жиҳатдан тобора диверсификация қилинмоқда². Бу эса йил давомида юқори сифатли резаворлар ишлаб чиқариш учун қулай иқлим шароитларидан фойдаланишга имкон бериб, экологик яхлитликни бузмасдан ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш учун мақбул қишлоқ хўжалиги амалиёт жорий этишнинг муҳимлигини кўрсатмоқда. Рақамли технологиялар сабабли бозорлар ва етказиб бериш тизимининг ривожланиб бориши, тобора кенгайиб бораётган жаҳон бозорида ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш, бунинг учун улар органик ва маҳаллий шароитларда етиштирилган резавор меваларнинг истеъмол тенденцияларига мослашиши зарурлиги ҳамда у билан боғлиқ тадқиқотлар кўламини кенгайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш, хусусан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп ноанъанавий боғдорчилик маҳсулотларини деҳқон хўжаликларида етиштириш орқали қўшимча даромад манбаини топишга кўмаклашишга урғу қаратилмоқда. Хусусан, “маҳаллаларда маймунжон, хўжағат ва голубика кўчатлари ўстирилиб, уларни томорқаларда экиш чоралари кўрилмоқда”³. Аммо, мамлакатимизда резавор меваларни етиштириш, сақлаш, чуқур музлатиш, ташиш ва сотиш технологиялари бўйича билимнинг етишмаслиги⁴, майда товар хўжаликларида молиявий салоҳиятининг пастлиги уларни қўллаб-қувватлашнинг янги йўналишларини тадқиқ этишни талаб этади. Ундан ташқари резавор мевалар етиштиришда тупроқ таркибига юқори талаб қўйиши ҳам у билан боғлиқ мониторинг тизими, маълумотлар базасини юритишни долзарб вазифалар қаторига олиб чиқмоқда.

¹ <http://www.fao.org>, International Trade Centre (ITC) - The ITC insights into trade patterns and market analysis for various commodities, including berries. www.intracen.org.

² Data and analysis on berry production trends, annual reports and statistics that reflect the changing volumes and market dynamics. <https://www.usda.gov>.

³ Лалмикор маҳалласида бозорбоп резаворлар етиштирилади. <https://president.uz/uz/lists/view/7154>.

⁴ https://www.tfqm.uz/b/posts/thumbnails/_етиштириш_бўйича_қўлланма_.pdf.

Шу боис, тармоқни барқарор ривожлантириш, соҳага илм-фан ютуқларини, янги бошқарув шаклларини жорий этиш, маҳсулот етиштирувчиларни рағбатлантиришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш бўйича илмий-амалий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони, шунингдек, 2019 йилнинг 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги ПҚ-4239-сонли, 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли Қарорлари ва тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари Т.Бузина, Н.Кузнецова и др., И.Минаков, В.Володин, Л.Антоненко⁵ каби хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Республикада эса боғдорчиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида Р.Хусанов, С.Усмонов, Қ.Чориев, Ў.Умурзаков, Т.Фармонов, Н.Хушматов, О.Жумаев, Х.Хушвақтова, Ш.Муродов, О.Сатторов, М.Ачилов⁶ каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг эришилган илмий натижалари эътиборга молик.

⁵ Бузина Т.С. Оптимизация взаимодействия участников в региональных агропромышленных кластерах / Т.С. Бузина, Я.М.Иваньо. – Иркутск: Издательство Иркутский ГАУ, 2015. – 148 с.; Кузнецова Н.А. Развитие интеграционных процессов в агропромышленном комплексе региона: монография. – Саратов: Саратовский социально-экономический институт (филиал) РЭУ им. Г.В.Плеханова, 2017. – 84 с.; Минаков И.А. Развитие интеграционных процессов в агропромышленном комплексе: Монография / И.А.Минаков–Мичуринск: Изд-во Мичуринского ГАУ, 2016. – 191 с.; Володин В.М., Дубова Л.Н. и др. Кооперация и интеграция в АПК: учебник для ВУЗов; под общ. ред. В.М.Володина. – Пенза, 2005. – 244 с.: ил. – Библиогр.: с. 189-198.; Антоненко Л.А. Кооперативы в преодолении мирового экономического кризиса: ретроспективный анализ прошлого./ Бюлетень Міжнародного Нобелівського економічного форуму. 2012. № 1 (5). Том 2. – с 11-18.

⁶ Хусанов Р. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 103 б.; Чориев Қ.А. Фермер ва деҳқон хўжаликларини кооперация жараёнига жалб этиш. Агроиқтисодий илмий-амалий аграр иқтисодий журнал. – Т. – 2017. – №1. – Б. 22-30.; Ў.Умурзаков., С.Эшматов. (O'zbek) Meva-sabzavotchilikda qiymat zanjiri tahlili. / <http://evu.uz/magazine/meva-sabzavotchilikda-qiymat-zanjiri-tahlili.html>; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. дисс. автореф. – Т.: 2006. – 46 б.; Хушматов Н. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. Аграр иқтисодий. Илмий-амалий муаммолар бюллетени. // ЎзБИИТИ. – 2008. – № 3-4. – Б. 3-7.; Жумаев О. Кўп укладли иқтисодий шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари: и.ф.н. дисс. автореф. – Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 24 б.; Хушвақтова Х.С. Бозор шароитида мева-

Мазкур тадқиқотлар мева-сабзавотчилик тармоғининг маълум бир йўналишида олиб борилган бўлиб, соҳадаги ҳозирги ташкилий-иқтисодий муносабатлар такомиллашиб бораётган, кластер тизими кенг жорий этилаётган институционал ўзгаришлар шароитида резавор мевалар етиштириш алоҳида кенг кўламда атрофлича ўрганилмаганлиги, ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларининг давомийлигини таъминлаш зарурияти мазкур муаммонинг диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети-нинг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантириш аҳамияти, зарурияти ва унга таъсир этувчи омилларни илмий- назарий жиҳатдан ёритиш;

резавор мевалар етиштиришнинг ўзишга ҳос жиҳатлари ҳамда иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини тадқиқ этиш;

резавор мевалар етиштиришнинг хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ижобий натижаларини мамлакатимизда жорий этиш бўйича таклифлар бериш;

резавор мевалар етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш, мавжуд тенденция ва муаммоларни аниқлаш;

резавор мевалар етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб бериш;

иқлим ўзгаришлари шароитида Тошкент вилоятида резавор мевалар етиштириш ҳажмининг истиқболда ривожланиш динамикасини аниқлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиздаги резавор мевалар етиштирувчи субъектлари танлаб олинган. Алоҳида монографик тадқиқотлар Тошкент ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган фермер ва деҳқон хўжаликларида олиб борилган.

Тадқиқотнинг предметини резавор мевалар етиштириш жараёнида соҳа билан боғлиқ субъектлар ўртасида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, монографик ўрганиш, иқтисодий таҳлил ва синтез, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, тизимли ва мантиқий ёндашув усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

резавор мевалар етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими интенсив боғдорчилик, рақамлаштириш ва энергия самарадорлиги каби жиҳатларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

резавор мевалар етиштиришни давлат томонидан ер ажратишда тўловларни оптималлаштириш, қайта ишлаш технологиялари учун солиқ ставкасини минималлаштириш, маркетинг тадқиқотлари харажатларини табақали субсидялаш каби дастаклар ёрдамида иқтисодий рағбатлантириш асосланган;

резавор мевалар етиштирувчиларининг иқтисодий, технологик, илмий ва ресурс салоҳиятларини оптимал бирлаштирган ҳолда фаолият юритиши учун тадбиркорлик ва нодавлат бошқарув шакллари босқичма-босқич ташкил этишнинг мақбул сценарийлари ишлаб чиқилган;

резавор мевалар майдони ортиши ва иқлим ўзгаришлари шароитида йиллик ўртача ёғингарчилик миқдорини инобатга олган ҳолда Тошкент вилоятида резавор мевалар етиштириш ҳажмининг 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

резавор мевалар етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари агротехнологик, иқтисодий ва бошқа жиҳатларини инобатга оlingан ҳолда тизимлаштирилган;

хорижий давлатларнинг резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи аҳамиятга молик иқтисодий механизмлари тизимлаштирилган ва уларни мос жиҳатларини республикамиз иқтисодиётига қўллаш йўналишлари ишлаб чиқилган;

республикамизда резавор меваларни етиштиришда кооперация муносабатларини ривожлантириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишда бирлашмаларни ташкил этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги резавор мевалар етиштириш ривожлантириш бўйича таниқли иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш, монографик тадқиқотлар ва сўровномалар ўтказишдан оlingан натижаларга таянилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа расмий статистик маълумотлари таҳлилларига асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти резавор мевалар етиштиришда ер майдонларининг мақбул ўлчамларини ҳисоблаш, глобал иқлим ўзгаришларига мослашиш, маҳсулотларни экспорт қилишнинг илмий, назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш билан белгиланади. Шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари, соҳадаги бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш борасидаги билимларни бойитишга замин яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, мева-сабзавотчилик тармоғида соҳани ривожлантириш бўйича мақсадли давлат Дастурларини

тайёрлашда, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, тадқиқот натижаларидан аграр соҳа олий ўқув юртлири, қишлоқ хўжалиги техникумлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

резавор мевалар етиштириш самарадорлигини аниқлашнинг услубий асослари такомиллаштирилган ва Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 13 октябрдаги 05/06-04-626-сон маълумотномаси). Натижада, плантацияларини ташкил этишда хўжалик юритиш шакли ва уларнинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда мақбул (минимал) майдонни аниқлаш ва хўжаликлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконини берган. Мазкур баҳолаш усули ёрдамида резавор мевалар етиштиришда мақбул ер майдонларини ажратиш ва иш фаолиятини ташкил этишда инвестиция қўйилмаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ер ажратишда тўловларни оптималлаштириш, қайта ишлаш технологиялари учун солиқ ставкасини минималлаштириш, маркетинг тадқиқотлари харажатларини табақали субсидялаш каби дастаклар ёрдамида иқтисодий рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилган ва Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 13 октябрдаги 05/06-04-626-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу рағбатлантириш механизми резавор мевалар етиштирувчи хўжаликларни молиялаштириш, айланма маблағлар билан таъминлашга кўмаклашиб, улар фаолияти самарадорлигини 12-15 фоизгача ошириш имкон берган;

резавор мевалар етиштирувчиларни иқтисодий, технологик, илмий ва ресурс салоҳиятларини оптимал бирлаштирган ҳолда фаолият юритиши учун тадбиркорлик ва нодавлат бошқарув шакллари босқичма-босқич ташкил этишнинг мақбул сценарийлари таклиф этилган ва Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 13 октябрдаги 05/06-04-626-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу ташкилий тузилмалар ёрдамида турли шаклдаги боғдорчилик хўжаликлари ва бошқарув идоралари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлашга хизмат қилган;

резавор мевалар майдони ортиши ва иқлим ўзгаришлари шароитида йиллик ўртача ёғингарчилик миқдорини инобатга олган ҳолда Тошкент вилоятида резавор мевалар етиштириш ҳажмининг 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва вилоят Қишлоқ хўжалиги

бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 13 октябрдаги 05/06-04-626-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу прогноз кўрсаткичлари истиқболда вилоятнинг тармоқ ривожини ва унга мос равишда ишлаб чиқариш, ресурслардан самарали фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 152 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришнинг илмий назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти, зарурияти ва унга таъсир этувчи омиллар, резавор мевалар етиштиришнинг ўзишга ҳос хусусиятлари ҳамда иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари назарий жиҳатдан ёритилган, резавор мевалар етиштириш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси ва уни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари баён этилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда резавор мевалар етиштириш тизимини илмий-назарий тадқиқ этиш, уни етиштириш самарадорлигини хўжалик юретишнинг турли шакллари кесимида чуқур таҳлил қилиш, оптимал майдони ва етиштириш ҳажмларини иқтисодий асослаш, резавор мевалар етиштириш имконияти мавжуд бўлган ҳудудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу билан биргаликда соҳани барарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири саналади.

Илмий адабиётларда резавор меваларнинг ўндан ортиқ турлари мавжудлиги ва уни етиштириш билан боғлиқ технологиялар ҳамда иқтисодий

самарадорлик кўрсаткичлари турли туманлиги борасидаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, уни 4 та гуруҳдан иборат класификацияга (таснифга) ажратган ҳолда ўрганилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Резавор мевалар турлари ва уларнинг класификацияси⁷

Бугунги кунда мамлакатимизда резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ташқи бозорларга боғлиқликни камайтириш, ички бозорни маҳаллий ҳомашё билан таъминлашни ҳамда қандолат маҳсулотлари, болалар таомларининг таркиби, сифати ва тиббий талабларига оид хавфсизлик масалаларининг долзарблашиши соҳани барқарор ривожлантириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, иқлим ўзгаришлари ва экологик муаммоларнинг юзага келиши, унинг ортидан иқлим ўзгаришларига мос экин навларини яратиш, мавжудларининг генетик базасини сақлаб қолиш, ерларнинг шўрланиши, сизот сувлари сатҳи кўтарилиши шароитида янги даромадли экинларни жойлаштириш, ГМО маҳсулотлар тури ва таркиби такомиллашиб бориши шароитида органик маҳсулотларга талабнинг кескин ортиши каби омиллар ҳам мамлакатимизда ноанъанавий экинлардан бири бўлган резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришни талаб этмоқда.

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Аммо, резавор мевалар етиштириш тизимини барқарор ривожлантириш учун унга таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, мазкур омилларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини ўрганиш, ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ҳар бир омилнинг ҳолати ва истиқболдаги ўзгариш прогнозларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, энг юқори таъсир даражасига эга бўлган омилларнинг яхлит тизим сифатида комплекс ривожланишига эришиш мақсадга мувофиқ (2-расмга қаранг).



2-расм. Резавор мевалар етиштиришга таъсир этувчи омиллар мажмуи⁸

Маълумки резавор мевалар етиштириш дунё миқёсида барқарор ўсиш динамикасига эга бўлиб, у ривожланган ва ривожланаётган барча давлатлар бозорида талабнинг бирдек ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади. Шу боис мазкур меваларни етиштириш рентабеллиги ва барқарорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган бир нечта ўзига хос хусусиятларни ўрганиш, унинг илмий асосларини таҳлил қилиш маҳсулот етиштирувчилар ўз фаолиятини

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

оптималлаштиришга ҳамда рақобатбардош бозорда рентабеллигини ошириши замин яратиб беради.

Жумладан, резавор мевлар соғлиқ учун фойдали элементларга бой озуқа сифатида тобора оммалашиб бормоқда, бу эса янги терилган ва қайта ишланган бозорларда талаб ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. Соғлиғи ва унга эътиборли бўлган онгли истеъмолчилар сонининг ўсиши озиқ-овқат бозорларда резаворлар савдосининг ўсишига олиб келди. Ушбу ўзига хос жиҳати жозибатор фойда маржасига олиб келиши мумкин (3-расмга қаранг).



3-расм. Мамлакатимиз шароитида резавор меваларни етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари⁹

Умуман олганда, резавор мевалар етиштиришнинг ушбу ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда маҳсулот етиштирувчилар ҳосил ва сифатни максимал даражада ошириб, турли хил резавор меваларни муваффақиятли етиштиришлари мумкин.

Аммо, бозор муносабатлари шароитида маҳсулот етиштирувчилар нафақат ўзига хос жиҳатлари билан балки иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда самарадорликни баҳолашнинг усул ва воситалари билан ҳам ҳабардор бўлиши лозим. Унинг учун эса резавор мевалар етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини моҳиятини тўғри талқин қилиши ҳамда унинг ҳисоблаш усулларини билиши талаб этилади (1-жадвалга қаранг).

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Резавор мевалар етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш
кўрсаткичлари тизими**

Гу- руҳ	Кўрсаткичнинг номланиши	Ўлчов бирлиги
Натурал кўрсаткичлар	Ялпи маҳсулот ҳажми	тонна ёки кг
	Экспортбоб маҳсулот ҳажми	тонна
	Техник йўқотишлар ҳажми	кг
	Таркибий меҳнат сарфи	киши-соат
	Экин майдони	га
	<i>Иссиқхонанинг 1 м³ фойдали ҳажмида етиштирилган маҳсулот миқдори *</i>	кг/м³
	<i>1 м² майдонда меҳнат сарфининг технологик интенсивлиги *</i>	киши-соат/ кг ёки т.
Қиймат кўрсаткичлар	Маҳсулот таннархи	сўм
	Ялпи даромад	сўм
	Маржинал фойда	сўм
	Ялпи фойда	сўм
	Соф фойда	сўм
	Капитал қўйилмалар ҳажми	сўм
	<i>Бир дона кўчат бирлигига тўғри келадиган капитал қўйилмалар ҳажми *</i>	сўм / дона/туп
	<i>1 кг маҳсулот таннархида энергия ва сув ресурслари сизими *</i>	сўм/кг
<i>1 кг маҳсулот таннархида рақамли технология харажатлари улуши</i>	сўм/кг	
Нисбий кўрсаткичлар	Ҳосилдорлик	ц/га
	Рентабеллик даражаси	%
	Инвестицияларнинг қайтими	коэфф.
	Харажатлар сизими	коэфф.
	Меҳнат унумдорлиги	сўм/нафар
	Ер қайтими	сўм/га
	<i>1 м² интенсив майдонда маҳсулот етиштиришнинг харажатлар рентабеллиги *</i>	%

Жаҳон кишлок хўжалигида резавор мевалар сегменти энг жадал ривожланаётган йўналиш сифатида тавсифланади. Бу нафақат истеъмол талабининг ортиши, балки ушбу экинларнинг кичик ер майдонларида ҳам юқори рентабелли (1 гектардан олинadиган даромад анъанавий экинларга нисбатан 10-15 баравар юқори) эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларга кўра айтиш мумкинки, инновацион кўчатчилик ва селекцияни ривожлантириш (АҚШ), кичик ишлаб чиқарувчиларнинг вертикал интеграцияси (Испания), музлатиш ва чуқур қайта ишлаш занжирини яратиш (Польша), транспорт харажатларини қоплаш ва экспорт диверсификацияси (Чили) ва ақлли деҳқончилик технологиялари (Нидерландия) йўналишларида

резавор мевачиликни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаларини атрофлича таҳлил қилган ҳолда миллий иқтисодиётга татбиқ этиш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Резавор мавалар етиштириш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобда Республикада резавор мевачиликни ривожлантиришдаги муаммолар ва таркибий-ташкилий ислоҳ қилиш натижалари таҳлили асосида тенденциялар аниқланган. Шунингдек, монографик тадқиқотлар асосида Тошкент вилоятида резавор мева етиштириш ҳажми ва самарадорлигининг ҳозирги даражаси таҳлил қилинган ҳамда илмий хулосалар шакллантирилган.

Бугунги кунда республикада етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. 2010 йилда экспортнинг 11,3 фоизи пахта толаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, ҳазирги вақтга келиб пахта толаси экспортчи мамлакатдан импорт қилувчи мамлакатга айланмоқда¹⁰. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1 гектар сувли майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар, қулупнайдан 10 баробар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.

Сўнги йилларда юртимизда халқаро ҳамда маҳаллий молия ташкилотларидан маблағлар жалб этиш орқали гилос, ўрик, анор, шафтоли, олхўри, ёнғоқ цитрус ва резавор каби меваларга ихтисослашган янги замонавий боғлар ташкил қилиш ҳисобига ҳосилдорликни кескин ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда етиштирилаётган резавор меваларнинг асосий турлари, экин майдони ва ҳосилдорлиги бўйича қуйидаги жадвал маълумотларни кўришимиз мумкин (2-жадвалга қаранг). Жами резаворлар майдон 2019-2023 йиллар давомида 28 % га кўпайган бўлса, қулупнай майдони 773 гектардан 852 гектарга ёки 10% га кўпайган, ушбу даврда малинанинг майдони эса 276 гектардан 503 гектарга ёки 82% га кўпайган, шу билан бирга, бошқа резаворлар майдони ҳам 189 гектардан 235 гектарга ёки 24 % га кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу даврда резаворларнинг жами ҳосили 32% ўсган бўлса, қулупнай ҳосили 7124 тоннадан 10214 тоннага ёки 43 %га кўпайган, малинанинг ҳосили эса 1335 тоннадан 1424 тоннага ёки 7 % га ошган, бошқа резаворлар ҳосили эса 2709 тоннадан 3122 тоннага ёки 15% га кўпайган.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, малина майдони 82% га кўпайишига қарамай ҳосили атиги 7% га ўсган, қулупнай майдони 10%га кўпайган бўлса, ҳам ялпи ҳосили 43% га кўпайган бундан хулоса қилишимиз мумкинки, қулупнай ҳосилдорлиги малинага нисбатан тезроқ кўпаймоқда. Бунинг сабаблари қулупнайнинг янги навлари ва ёпиқ майдонларда етиштириш оммалашаётганлигидир, малина эса асосан очик майдонларга етиштирилади.

¹⁰ Давлат статистика агентлиги маълумотлари асосида.

**Республикада резавор мевалар турлари бўйича ер майдони ва ялпи ҳосили
2019-2023 йилларда ўзгариши¹¹**

Худудлар	Йиллар					2023 йилда 2019 йилга нисб. % да
	2019	2020	2021	2022	2023	
Жами резаворларнинг экин майдони	1238	1650	1323	1509	1590	128
Ш.ж, кулупнай, га	773	837	788	783	852	110
Малина, га	276	378	296	327	503	182
Бошқалар	189	435	239	399	235	124
Жами резаворларнинг ялпи ҳосили, тонна	11168	13340	14192	12540	14760	132
Ш.ж, кулупнай, т	7124	11512	10921	10517	10214	143
Малина, т	1335	1043	941	975	1424	107
Бошқалар, т	2709	785	2330	1048	3122	115

Ҳосилга кирган майдонларни қарайдиган бўлсак 2019 йилда 1168 гектарни ташкил этган бўлса 2023 йилга келиб эса 1389 гектар ҳосил берадиган резаворлар боғлар мавжуд. Этиборли жиҳати шундан иборатки жами резаворларнинг майдони ва ҳосил берадиган резаворларнинг майдони ўртасида тафовут кўпайиб бормоқда. Бу шундан далолат берадики бизнинг мамлақтимизга нисбатан янги бўлга голутика, черника каби 2-3-йиллардан ҳосилга кирадиган резавор экинларнинг улуши ортиб бормоқда.

Резавор меваларнинг ўзига ҳос ҳусусияти шундан иборатки, кўчат экилган йилдан ёки кейинги йилдан ҳосил олиш мумкин. Бу эса соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг натижасини тезда кўрсатиб беради. Шу сабабли резавор мевалардан олинаётган ялпи ҳосилни ҳам худудлар кесимида таҳлил қилиб кўриш керак деган ҳулосага келдик ва охири беш йилда Республикада етиштирилган жами резавор меваларни вилоятлар кесимида кўриб чикдик. (3-жадвалга қаранг).

Республика миқёсида резавор меваларнинг ҳосили 2019 йилда 13568 тоннани ташкил этган бўлса 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 14760 тоннани ташкил этган ёки 9% га кўпайган, бу йиллар давомида эса резаворлар майдони 28%га кўпайган. Худудлар бўйича резаворлар ялпи ҳосили бўйича Самарканд вилояти етакчи ҳисобланиб, бу вилоятда 2019 йилда 6085 тонна 2023 йилда эса

¹¹ Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

6872 тонна ҳосил олинган бу 13 % ўсганлигини кўрсатмоқда. Ушбу вилоят резаворлар майдони бўйича 2 ўринда турса ҳам энг юқори ҳосил олган вилоят бўлиб қолмоқда. Майдони бўйича биринчи ўринда бўлган Тошкент вилояти ялпи ҳосил бўйича иккинчи ўринда қайд этилган.

3-жадвал.

2019-2023 йилларда республика ҳудудлари кесимида резаворлар ялпи ҳосилининг ўзгариш динамикаси, тонна¹²

Ҳудудлар	Йиллар					2023 йилда 2019 йилга нисб. % да	Ҳудуд ўрни
	2019	2020	2021	2022	2023		
Қорақалпоғистон Республикаси	5	0	9	12	8	160	13
Андижон	1748	1720	1700	1734	1871	107	3
Бухоро	143	0	94	102	97	68	8
Жиззах	46	45	79	55	75	163	0
Қашқадарё	674	81	1004	291	526	78	6
Навобий	89	90	77	71	67	75	11
Наманган	870	662	1028	542	772	89	5
Самарқанд	6085	6771	6382	6119	6872	113	1
Сурхондарё	387	253	323	295	372	96	7
Сирдарё	76	68	127	39	89	117	9
Тошкент в	1879	1831	1901	1765	2138	114	2
Фарғона	1540	1792	1440	1471	1842	120	4
Хоразм	26	27	28	44	31	119	12
Тошкент шаҳар	0	0	0	0	0	0	14
Жами	13568	13340	14192	12540	14760	109	

Тошкент вилоятида оммабоп қулупнайдан кейин энг кўп экиладиган резаворлардан бири бўлган малина етиштириш самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди (4-жадвалга қаранг). Очиқ ва ёпиқ майдонларда малина етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичларига қарайдиган бўлса 1 гектар очиқ майдонга мали экиб гектаридан 182,7 центнер ҳосил оладиган бўлса ёпиқ майдонга экилганда эса гектарига 350 центнер ёки салкам икки баравар юқори ҳосил олиш имконини беради. Жами харажатлари эса очиқ майдонда бир гектар учун 213783 минг сўп харажат қилинадиган бўлса 597520 минг сўмни ташкил этиб очиқ майдонга нисбатан 2,8 баробар юқори бўлмоқда. Харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган кўчат харажатлари очиқ майдон учун 156000 минг сўмни ташкил этиб жами харажатдаги улуши 70% ни ташкил этган бўлса ёпиқ майдонда кўчат учун 375000 минг сўм бу жамига нисбатан 62,8% ни ташкил этади. Кейинги асосий харажатлардан меҳнат харажати очиқ майдонда 28030 минг сўмни жамига нисбатан 17% ни ташкил этган бўлса ёпиқ майдонда эса меҳнат харажатлари 60000 минг сўмни жами харажатдаги улуши эса 10% ни ташкил этмоқда. Ўғит харажатлари эса очиқ майдонда 3560 мин

¹² Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

сўмни ташкил этса ёпиқ майдонда эса 28000 минг сўмни ташкил этмоқда, ушбу харажатнинг ёпиқ майдонда юқори бўлишининг сабаби очик майдонда хар бир ўғит (азотли, фосфорли ва калийли алоҳида бериладиган бўлса ёпиқ майдонда композит ҳолда (МПК) кўринишида берилиш ва ушбу турдаги ўғитнинг нархи юқорилиги сабаб бўлади.

4-жадвал.

Тошкент вилояти “Escalade biznes invest” фермер хўжалигида малина етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари¹³


№	Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	Жами харажат				
			Очик майдон учун	Салмоғи%	Ёпиқ майдон учун	Салмоғи%	
	Экин майдони	гектар	1,0		1,0		
	Ҳосилдорлик	ц/га	182,7		150,0		
	Ялпи ҳосил	тонна	18,27		35,00		
	<i>Жами харажат</i>	<i>минг сўм</i>	213785	100	597520	100	
	шу жумладан:						
1	Меҳнат ҳақи кўшимчаси б-н	минг сўм	28030	17,1	60000	10,0	
2	Минерал ўғитлар учун харажатлар	минг сўм	3560	1,7	28000	4,7	
3	Кимёвий ҳимоя	минг сўм	1600	0,7	30000	5,0	
4	Кўчат	Сони	минг дона	13		70	
		Қиймати	минг сўм	156000	70,0	375000	62,8
5	ЁММ:	Миқдори	кг	120			
		Қиймати	минг сўм	1200	0,6		
6	Механизация хизматлари	минг сўм	23000	4,2	25000	4,2	
7	Ер солиғи	минг сўм	3400	1,6	3400	0,6	
8	Сув солиғи	минг сўм	560	0,3	1120	0,2	
9	Бошқа харажатлар	минг сўм	19435	9,1	75000	12,6	
	<i>Жами даромад</i>	<i>минг сўм</i>	456750		5250000		
	Фойда, зарар (+,-)	минг сўм	242965		4652480		
	<i>Рентабеллик даражаси</i>	%	113,6		778,6		
	Бир тонна маҳсулот таннари	минг сўм	11701		17072		
	Бир тонна ўртача сотиш баҳоси	минг сўм	35000		150000		

Очик майдода етиштиришда ЁММ бўйича 1200 минг сўм харажат қилинган бўлса ёпиқ майдонда эса механизация хизматлари учун 25 000 минг сўм харажат қилинганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Ер ва сув солиқлари икка усулда ҳам 3400 ва 560 минг сўмни ташкил этган. Бошқа қўшимча харажатлар эса очик майдон учун 19435 минг сўмни ташкил этган бўлса ёпиқ

¹³ Монографик тадқиқотлар асосида тузилган

майдон учун эса 75000 минг сўмни ташкил этмоқда. Бир гектар очик майдонда малина етиштиришда жами пул тушуми 456750 минг сўмни (18,27 тонна ҳосилни тоннаси 35000 мингдан сотганда) ташкил этган бўлса, ёпиқ майдонда бир гектар малина етиштиридан тушудиган тушумлар 5250000 минг сўмни (35 тонна ва бир тоннаси 150000 минг сўм) ташкил этади. Жами фойдадаги фарк эса очик майдонда малига етиштиришдан олинадиган фойда 242965 минг сўмни ташкил этса ёпиқ майдонда етиштиришдан олинадиган фойда 4652480 минг сўмни ташкил этади. Бир гектар майдонга очик ва ёпиқ усулда малина етиштирганда рентабеллик даражаси 113,6% дан 778,6 % га чиқариш имконияти мавжуд бўлмоқда. Очик майдонга бир гектар малина етиштирганда бир тонна маҳсулот таннарихи 11701 минг сўмни ташкил этса ёпиқ майдонга экилганда бу кўрсаткич 17072 минг сўмни ташкил этмоқда. Аммо сотиш нархиға қарайдиган бўлсак очик майдонга етиштирилган малина пишиқчилик ва арзончилик пайтида бозорға чиқарилганлиги сабаб бир килограм малина нархи 35 минг сўмни ташкил этса, ёпиқ майдонга экилган малина маҳсулот танқис ва қиммат бўлван вақтида бозорға олиб чиқилганлиги сабабли бир килограм малинанинг сотув нархи 150 минг сумни ташкил этиб очик майдондагига нисбатан 4,3 баробар қимматға сотиш имкониятини бермоқда.

Умуман олганда айтиш мумкинки, резавор мевалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таҳлил қилиш жараёнида, энг аввало, соҳа ривожига таъсир қилувчи муаммоларни аниқлаш ва уларни ечимига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадға мувофиқдир. Тадқиқотларимиз мобайнида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Янгийўл ва Паркент туманларида резавор мева етиштирувчи хўжаликлар кесимида сўровномалар ўтказдик (150 та респондентлар кесимида) ва соҳа ривожига таъсир этувчи айрим тизимли муаммолар борлигини аниқладик (4-расмға қаранг). Жумладан:



4-расм. Резавор мевалар етиштиришда мавжуд муаммолар таснифи¹⁴

- ▶ резавор меваларни етиштириш, сақлаш, чуқур музлатиш, ташиш ва сотиш технологиялари бўйича билимнинг етишмаслиги;
- ▶ майда товар хўжаликларида молявий салоҳиятининг пастлиги;
- ▶ резавор мевалар етиштиришда тупроқ таркибига юқори талаб қўйилиши;
- ▶ маълумотлар базасини шакллантириш ва хўжаликларда резавор мевалар етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини тўғри баҳолаш асосида стратегик қарорлар қабул қилиш ва б.

Диссертациянинг **“Резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришни давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва ташкилий қўллаб-қувватлаш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, иқлим ўзгаришлари шароитида Тошкент вилоятида резавор мевалар етиштириш ҳажмининг прогноз параметрлари асосланган.

Мамлакатимизда истиқболда мева-сабзавотчилик тармоғида амалга оширилиши лозим бўлган агроислохотлар замирида қуйидаги жиҳатларни қамраб олиш мақсадга мувофиқ:

- ноанъанавий боғдорчилик турларини кенгайтириш, уларнинг илмий асосларини такомиллаштириш, кўчаткчилик, уруғчилик тизимини яратиш ҳамда у билан боғлиқ агротехнологияларни ишлаб чиқиш;

¹⁴ Сўровнома асосида муаллиф томонидан тузилган.


– музлатиш ҳамда уларни етказиб беришга қаратилган логистик инфратузилмани шакллантириш ҳамда уни маҳсулот етиштирувчилар учун мақбул бўлган қувватларда жойлаштириш;

– ривожланган давлатларда ўсиб бораётган мева-сабзавот бозори сегментларига бугундан тайёрланиш учун ўқитиш, тажриба алмашиш, намунавий майдонларни ташкил этиш чораларини кўриш орқали истиқболда рақобат бозорида ўз ўрнига эга бўлишга интилиш;

– органик маҳсулотлар етиштириш орқали ривожланган давлатларга кириб бориш, уларда ривожланган давлатлар учун жорий этилган имтиёзли тизимлардан фойдаланган ҳолда ўз сегментини яратиш орқали бошқа имтиёзли давлатлар билан рақобатда устунликка эга бўлиш ва боқшалар.

Ушбу мақсадли омиллардан келиб чиққан ҳолда республикамизда ҳам резавор мевалар етиштириш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги янгича йўналишлар ҳамда воситаларни ишлаб чиқиш долзарблик касб этади. Изланишлар асосида мамлакатимизда резавор меваларни етиштириш ва қўшилган қиймат яратиш мақсадида давлат томонидан қуйидаги йўналишларда қўллаб – қувватлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (5-расмга қаранг).

Таъкидлаш жоизки, давлат томонидан қўллаб қувватлаш дастаклари орасида иқтисодий рағбатлантириш воситалари таъсирчан ва энг асосийси ҳисобланиб, бевосита маҳсулот етиштирувчининг кундалик фаолиятида ўзининг аксини намоён этиши билан эътиборли саналади. Шу боис, тадқиқотларимизда резавор меваларни етиштиришни давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш йўналишларини ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ механизмларини ўрганишга қаратилган изланишлар олиб борилди (6-расмга қаранг).



5-расм. Республикада резавор мевалар етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қуввалаш йўналишлари¹⁵

Ундан ташқари, маркетинг асосида ишлаб чиқилган лойиҳаларни субсидиялашда эса экспортга йўналтирилган резавор меваларни мақсадли бозор сегменти учун маркетинг тадқиқотлари олиб боришда минтақа учун ўртача табақалашган харажатлардан келиб чиққан ҳолда харажатларнинг 25-75 фоизигача субсидиялаш таклифи илгари сурилмоқда. Бунда мақсадли бозорни ЕИ, Россия, Шарқий Осиё каби табақалаштирган ҳолда ёндашиш мумкин.

Шунингдек, маркетинг тадқиқотларига сармоя киритадиган корхоналар учун солиқ мажбуриятларини камайтиришга имкон берадиган солиқ имтиёзларини тақдим этиш, сўровномалар, фокус-гурӯҳлар ва маълумотларни

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

таҳлил қилиш каби бозор тадқиқотлари билан боғлиқ харажатлар учун компенсациялар берилиши мумкин.



6-расм. Республикамизда резавор мевалар етиштиришни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қуввალаш йўналишлари¹⁶

Ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳамда мамлакатимизда сўнгги етти йилда ташкил этилган нодавлат бошқарув шакллари томонидан тўпланган қўникмалардан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини, интеграцион алоқаларини ривожлантириш мақсадида босқичма-босқич ривожланиб борадиган механизмларни ташкил этиш бутунги куннинг долзарб йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Резавор мевалар етиштиришда нодавлат бошқарув тузилмаларининг босқичма-босқич ташкил этилиши янада динамик, рақобатбардош ва барқарор саноатни ривожлантириши мумкин. Хусусий тадбиркорлик субъектларининг кучли томонларидан фойдаланган ҳолда сектор самарадорликни ошириши,

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маҳсулот сифатини ошириши ва бозор талабларига самарали жавоб бериши мумкин. Ушбу ёндашув охир-оқибат минтақанинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши ва резавор мевалар етиштириш билан шуғулланадиган хўжаликларнинг умумий фаолияти самарадорлиги ортишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда резавор мевалар етиштириш тизимида бошқарув шакллари либераллаштириш, нодавлат бошқарув тузилмаларига бўлган зарурият ҳамда ташаббускорликнинг қуйи тизимдан шаклланиши учун замин яратиб бериш, маҳсулот етиштирувчилар билан биргаликдаги ҳамкорлик ўзининг устунликларига эга эканлигини амалий кўникмалар ёрдамида тушунтириб бериш мақсадида қатор босқичларни ишлаб чиқиш лозим.


Ушбу босқичларда қуйидаги иккита шартларга алоҳида эътибор қаратиш ўзининг ижобий самарасини беради. Жумлалан:

Биринчидан, ташкил этилаётган нодавлат бошқарув тузилмалари ва интеграцияга асосланган ҳамкорлик алоқалари давлат томонидан олиб борилаётган аграр ислохотларнинг мантиқий давоми ҳамда изчил кетма-кетлиги бўлиши лозим. Акс ҳолда давлат ташаббускорлиги асосида ташкил этиладиган бошқа шаклдаги тадбиркорлик шакллари ёки бошқарув тузилмалари соясида қолиши мумкин.

Иккинчидан, ташкил этилиши илгари сурилаётган янги бошқарув шакли самарасиз фаолият юритган тақдирда унинг ташаббускорлари иқтисодий фаолиятига таъсири минимал бўлиши керак. Оддий қилиб айтганда, хўжаликлар ўртасида ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган интеграцион алоқалар охирига етмаса, яқунда томонларнинг иқтисодий ҳолати оғирлашишига олиб келмаслиги лозим.

Бунинг учун эса босқичларни тўғри танлаш, уларнинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кейинги босқичга ўтиш, ўзаро ижтимоий муносабатларга асосий урғу қаратилиши, янги босқич ташаббускорлари айнан маҳсулот етиштирувчилар бўлиши лозим. Акс ҳолда яна тарих такрорланиб, янги тузилмаларнинг самарасиз ишлашига олиб келади. Шунинг учун ушбу жиҳатларни қамраб олган ҳолда резавор мевалар етиштиришда асосий тамойилларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда резавор меваларни етиштиришда тадбиркорлик шакллари ва нодавлат бошқарув тузилмаларини ташкил этиш босқичлари ҳамда уларнинг шакллари юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқишимиз мумкин. Олиб борилган ислохотларнинг мантиқий давоми ва изчиллигини эътиборга олган ҳолда бизнингча, республикамизда резавор меваларни етиштиришда қуйидаги 4 босқичдан иборат бўлган ташкилий ислохотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз (7-расмга қаранг).



7-расм. Резавор мевалар етиштиришда тадбиркорлик шакллари ва нодавлат бошқарув тузилмаларини ташкил этиш босқичлари ҳамда уларнинг шакллари¹⁷

Ташкил этиш таклиф этилаётган мазкур тадбиркорлик шакллари ва нодавлат бошқарув тузилмаларини йиллар оралиғида кўриб чиқадиган бўлсак, соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳамда яратилган инфратузилмалардан келиб чиққан ҳолда дастлабки босқичда 2025-2026 йилларни ўз ичига қамраб олиши лозим деб, ҳисоблаймиз (8-расмга қаранг).

Мазкур босқичда бизнингча, таклиф этилаётган “Давлат хусусий шериклик асосидаги агробизнес майдонлари”да фаолият юритаётган хўжаликларни барча турдаги солиқлардан озод қилиш, имтиёзли кредит ва лизинг тақдим этиш орқали уларнинг қизиқиш ҳамда аграр тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш мумкин.

Шунингдек, иккинчи босқични биринчи босқич самарали ташкил этилган ва натижаларга эришган ҳолатда 2026-2027 йилларда ташкил этиш мумкин деб, ҳисоблаймиз. Бунда, бизнингча, резавор мевалар етиштирувчи кооперативлар аъзоларига сонидан келиб чиққан ҳолда субсидиялар ажратиш механизмларини ишлаб чиқиш орқали рағбатлантириш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Резавор мевалар етиштиришда тадбиркорлик шакллари ва нодавлат бошқарув тузилмаларини ташкил этиш босқичларида иқтисодий қўллаб-қувватлаш дастаклари

“Агробизнес майдонлари”ни ташкил этиш

2025-2026 йиллар

Ушбу майдонларда фаолият юритаётган хўжаликлар барча турдаги солиқлардан озод қилиш, имтиёзли кредит ва лизинг тақдим этиш

Кооперативларни ташкил этиш

2026-2027 йиллар

Резавор мевалар етиштирувчи кооперативлар аъзоларига сонидан келиб чиққан ҳолда субсидиялар ажратиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Минтақавий уюшмалар ташкил этиш

2028 йил

Уюшма ташкил этиш ташаббускори маҳсулот етиштирувчилар эканлиги ва улар томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда дастлабки маблағни давлат бюджетидан ажратиладиган махсус жамғарма ташкил этиш

Вакиллик институтларини ташкил этиш

2030 йил

Минтақавий уюшмалар вакилларининг давлат ва жамоат бошқаривида ўзларининг уюшма аъзоларининг манфаатларини кўзлаб иштирок этиш учун шароит яратиб бериш

8-расм. Резавор мевалар етиштиришда тадбиркорлик шакллари ва нодавлат бошқарув тузилмаларини ташкил этиш босқичларида иқтисодий қўллаб-қувватлаш дастаклари¹⁸

Мамлакатимизда, айниқса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида резавор меваларни етиштириш ва уларнинг иқтисодий хусусиятларини ўрганиш, резавор меваларни етиштирувчи деҳқон хўжалиklarининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш, ҳудудларда резавор меваларни етиштиришга бевосита таъсир қиладиган омилларнинг таъсир даражаларини аниқлаган ҳолда прогноз қийматларини асослаб бериш мева-сабзавотчилик қуйи бўғини ривожланишига баҳо беришда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар жараёнида бир қанча омилларнинг ўрганиб чиққан ҳолда турли омиллар ичидан резавор мевалар ҳосилдорлиги, йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори, резавор мевалар экспорт қиймати каби омилларни кўп омилли эконометрик моделда фойдаланиш мақсадида танлаб олинди.

Microsoft Excel дастурида “Анализ данных” пакети имкониятларидан фойдаланган ҳолда “натижавий омил ва мустақил ўзгарувчилар орасида

¹⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

боғлиқлик муносабатини регрессион таҳлилини амалга оширдик ва қуйидагича регрессион тенгламани тузиб олдик.

$$Y = 1359,24 - 4,32 \cdot X_1 + 3 \cdot X_2 + 0,3 \cdot X_3 \quad (1)$$

Тадқиқотлар жараёнида резавор мевалар етиштириш ялпи ҳосили ҳажмини прогноз қийматларини аниқлашдан олдин Тошкент вилояти бўйича 2014-2024 йиллар оралиғида резавор мевалар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш динамикасини таҳлил қилдик. Таҳлиллардан кўриш мумкинки, Тошкент вилоятида резаворлар етиштириш ҳажми 2014 йилда 1670 тоннани ҳосил қилган бўлса, 2019 йилда 1879 тоннани ташкил этгани ҳолда 2024 йилга келиб 2085,7 тонна ҳосил олинган ва ўсиш 2014 йилга нисбатан 1,23 баробар, 2019 йилга нисбатан эса 1,11 мартабага етганини кўриш мумкин (5-жадвалга қarang).

5-жадвал.

2014-2024 йиллар мобайнида Тошкент вилояти бўйича резавор мевалар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши динамикаси¹⁹

Йиллар	Резавор мевалар ишлаб чиқариш ҳажми, тонна	Резавор мевалар ҳосилдорлиги, ц/га	Ўғингарчилик миқдори, мм		Резавор мевалар экспорт қиймати, минг доллар	
	У	X1	X2	X3		
2014	1670,0	39,5	197	189,1		
2015	1668,1	40,1	185	175,6		
2016	1774,5	45,2	178	180,1		
2017	1684,6	38,6	161	266,1		
2018	1701,0	41,6	136	298,7		
2019	1741,1	39,8	142	345,2		
2020	1828,2	36,1	165	356,4		
2021	1901,1	58,3	186	1014,0		
2022	1762,7	56,2	218	263,5		
2023	2138,0	52,2	316	207,7		
2024	2085,7	60,8	264,9	647,0		
Йиллар	2025*	2026*	2027*	2028*	2029*	2030*
Прогноз қилинаётган резавор мевалар ишлаб чиқариш ҳажми, тонна	2109,0	2132,4	2155,8	2179,2	2201,1	2224,5 (6,7 %)

¹⁹ Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудларида резавор мевалар етиштириш ҳажмининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари тўғри чизиқли тренд моделлари ёрдамида ҳисобланди. Унга кўра, 2030 йилга бориб вилоятда резавор мевалар етиштириш ҳажми 2224,5 тоннага етиши ёки 2024 йилга нисбатан 6,7 фоизга ортиши асосланган.

Умуман олганда, резавор мевалар етиштириш ҳажми ва унга таъсир қиладиган омилларнинг ўзаро таъсир даражаларини ва ўзгариш тенденцияларини кўп омилли регрессион ва вақт бўйича чизиқли тренд моделлари асосида таҳлил қилиш ва прогноз кўрсаткичларини асослаган ҳолда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар тайёрлаш ижобий натижага олиб келиши мумкин.

ХУЛОСА

Резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Резавор меваларнинг ўндан ортиқ турлари мавжудлиги ва уни етиштириш билан боғлиқ технологиялар ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан турли туманлиги борасидаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, уни мавсумига кўра, географик хусусиятига кўра, етиштириш шаклига кўра ҳамда ишлатиш соҳасига кўра каби 4 та гуруҳдан иборат класификацияга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин. Шунингдек, соҳани ривожлантиришда ва унинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини очиб беришда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ташқи бозорларга боғлиқликни камайтириш, ички бозорни маҳаллий ҳомашё билан таъминлашни ҳамда қандолат маҳсулотлари, болалар таомларининг таркиби, сифати ва тиббий талабларига оид хавфсизлик масалаларини ҳисобга олиш бугунги кунда резавор мевалар етиштириш тизимини ривожлантириш зарурлигини тақозо этмоқда.

2. Резавор меваларни етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда резаворларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлар тизимини интенсив боғдорчилик, рақамлаштириш ва энергия самарадорлиги каби муҳим жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Хорижий тажрибалар таҳлилига кўра, инновацион кўчатчилик ва селекцияни ривожлантириш йўналишида (АҚШ тажрибаси), кичик ишлаб чиқарувчиларнинг вертикал интеграцияси (Испания тажрибаси), музлатиш ва чуқур қайта ишлаш йўналишида (Польша тажрибаси), транспорт харажатларини қоплаш ва экспорт диверсификацияси бўйича (Чили тажрибаси) ва “Ақлли деҳқончилик” технологиялари (Нидерландия) йўналишларида резавор мевачилик тизимини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларини атрофлича таҳлил қилган ҳолда миллий иқтисодиётга жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Мева ва резаворларнинг экин майдони 328195 гектардан 364367 гектарга етганлигини ёки 36172 гектарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Янги барпо

қилинган боғларнинг ҳосилга кириши ҳисобига ҳосил берадиган мева ва резавор мева майдони эса 236213 гектардан 273651 гектарга яъни 37438 гектарга кўпайган. Республика миқёсида резавор меваларнинг ҳосили 2019 йилда 13568 тоннани ташкил этган бўлса 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 14760 тоннани ташкил этган ёки 9% га кўпайган, бу йиллар давомида эса резаворлар майдони 28%га кўпайган.

4. Тошкент вилояти резаворлар етиштириш учун қулай бўлиб, вилоятда резаворлар ер майдони охириги беш йилда 139.7% га ўсган бўлсада умумий ҳосил 22,8 %га ўсган. Тошкент вилоятида резаворларнинг ер майдони охириги беш йилликда 140% га ялпи ҳосили эса атиги 23% га кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Вилоятда резаворларнинг ҳосилдорлиги эса охириги беш йилда 31% га ўсган.

5. Тадқиқотларимизга кўра, мамлакатимизда резавор меваларни етиштириш ва қўшилган қиймат яратиш мақсадида давлат томонидан резавор мевалар етиштиришни иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва экологик йўналишларда қўллаб – қувватлаш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз. Шунингдек, резавор меваларни қайта ишлаш, қадоқлаш технологияларини жорий этган хўжаликларга дастлабки 4 йил давомида барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар ставкаларини 1 фоиз этиб белгилаш, экспортга йўналтирилган резавор меваларни мақсадли бозор сегменти учун маркетинг тадқиқотлари олиб боришда минтақа бўйича ўртача табақалашган харажатлардан келиб чиққан ҳолда харажатларнинг 50-75 фоизигача субсидиялаш таклифи ишлаб чиқилди.

6. Резавор меваларни етиштиришда тадбиркорлик шакллари ва нодавлат бошқарув тузилмаларини ташкил этиш босқичлари ҳамда уларнинг шакллари юзасидан бизнингча, республикамизда резавор меваларни етиштиришда алоҳида ҳудудларда ва резавор мевалар тури кесимида махсус агроиқтисодий зоналар, турли резавор мевалар етиштиришга ихтисослашган хўжаликларнинг интеграцияси, ўзаро уюшмаган ҳолда соҳадаги барча тадбиркорларни қамраб олган бошқарув шакли ва давлат бошқарув идоралари ва бошқа бўғинлардаги вакиллик институтлари каби 4 босқичдан иборат бўлган ташкилий ислохотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

7. Ҳудудларнинг табиий иқлим шароитлари, йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори, резавор меваларнинг ҳосилдорлиги, резавор меваларни экспорт қиймати ўзгариб бориши каби турли ажратиб олинган омилларнинг ўзаро таъсирларини ва бевосита алоқадорлик муносабатларини инобатга олган ҳолда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш, хусусан, резавор меваларни етиштириш ҳажмини ошириш имкониятларини кенгайтириш келгусида мамлакат аҳолисининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини янада кўпроқ қондириш имкониятини яратиб беради. Тошкент вилоятида резавор мевалар етиштириш ҳажмининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари тўғри чизиқли тренд моделлари ёрдамида ҳисобланди. Унга кўра, 2030 йилга бориб вилоятда резавор мевалар етиштириш ҳажми 2224,5 тоннага етиши ёки 2024 йилга нисбатан 6,7 фоизга ортиши асосланди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Ирисов Ф Иқлим ўзгаришлари шароитида резавор мевалар этиштиришнинг барқарор ривожлантириш // Агроиктисодиёт. – Т.: 2022. №2. – Б. 126-127. (08.00.04; №25).

2. Ирисов Ф Мамлакатимизда резавор мевалар этиштиришнинг зарурлиги ва истиқболлари // Агроиктисодиёт. – Т.: 2022. №2. – Б. 126-127. (08.00.04; №25).

3. Ирисов Ф, Яхяев Иқлим о‘згаришлари шароитида резавор мевалар этиштиришнинг барқарор ривожлантириш // Агроиктисодиёт. – Т.: 2022. №3. – Б. 126-127. (08.00.04; №25).

4. Ирисов Ф. Improvement of the organizational and economic basis of growing berries // Internatsional Journal of Southern Economic Light. – 2023. № 3. – Б. 10-13. ((14) ResearchBib IF- 3.476; (23) Scientific Journal Impact Factor -8,131).

5. Ирисов Ф. State regulation and support of berry cultivation improvement of organizational and economic foundations // Internatsional Journal of Asian Economic Light. – 2023. № 3. – Б. 1-3. ((14) ResearchBib IF- 3.476; (23) Scientific Journal Impact Factor -8,117)

6. Ирисов Ф. Formation and development regional market of fruit and berries // Фундаментальные исследования международных исследований Международной научно-практической конференции. 10.02.2023.

7. Ирисов Ф. Организационно-экономическая оценка развития садоводства // Фундаментальные исследования международных исследований Международной научно-практической конференции. 27.12.2022.

8. Ирисов М. /Резавор мевалар этиштиришни бугунги ҳолати // Бухоро, 2021. Бухоро давлат университети, “Қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерларни шакиллан-тириш: тажрибалар, натижалар ва инновацион ёндашувлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. 2022 йил, 30-ноябр.

9. Ирисов. Резавор мевалар этиштиришда нодавлат ташкилотларни зарурияти //Т.: 2022. XX-Ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани, 2022 йил, 12-13-май.

10. Ирисов Ф. Резавор мевалар этиштиришда давлат томонидан куллаб-қувватлаш механизмлари // Жиззах политехника институтида “Ишлаб чиқариш техник, муҳандислик технологик муоммоларни инновацион ечимлари” мавзусидаги халқаро микёсидаги илмий-техник анжуман 2023 йил, 28-29 октябр.

II бўлим (II часть; II part)

11. Хужамкулова Х, Яхяев, Ф.Ирисов., Сув хўжалигида бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари // “Глобаллашув

шароитида сув хўжалигини самарали бошқариш муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани. 2017 йил 11-12 апрел, Тошкент – Б. 174-175.

12. Рашидов Ж., Холёров У., Ф.Ирисов Сувни тежовчи технологияларни жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 2016 йил, 10-сон

13. Хужамкулова Х, Яхяев, Ф.Ирисов., Бозор иқтисодиёти шароитида сув хўжалиги қурилиш ташкилотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш // “Глобаллашув шароитида сув хўжалигини самарали бошқариш муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани. 2017 йил 11-12 апрел, тошкент Т.: ҚХИИТИ, 2016. – Б. 94-96.

14. Яхяев М, Ф.Ирисов. Қишлоқ хўжалигини химоялашда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари// “Бозор муносабатлари шароитида аграр соҳа илмий таъминоти тизимини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги институтнинг 60 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция. – Т.: ҚХИИТИ, 2017. – Б. 186-189.